# БОҒДОРЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МЕВА-УЗУМНИ КЎПАЙТИРИШНИНГ МУҲИМ ТАДБИРЛАРИ

Президентимиз И. Каримов халқ депутатлари Самарқанд ва Қашқадарё вилояти кенгашларида, шунингдек ўтган йили декабрь ойида бўлиб ўтган Олий Мажлис сессиясида мамлакатимизда етакчи тармоқ ҳисобланган қишлоқ хўжалиги тўғрисида билдирган фикрлари барчамизни соҳада қилинаётган ишларга танқидий кўз билан қараб, иш юритиш борасида мавжуд имкониятларни излаб топишга ундайди. Шу боис 1995 йил якунларини жиддий таҳлил қилиб, жорий йилда самарали меҳнат қилиш, юксак марраларга эришиш чора-тадбирларини кўришни талаб этади. Шу билан бирга республика раҳбари халқимизни боқадиган, асосий маҳсулот берадиган мазкур тармоқ эканлигини таъкидлади. Модомики, олдимизга фаровон турмуш, халқимиз ҳаётини яхшилаш мақсадини қўйган эканмиз, иқтисодий ислоҳотларни аввало қишлоқ хўжалигидан бошлашимиз зарур.

Шунга кўра республикамиз боғбону соҳибкорлари, мутахассислари ўзларининг масъулиятларини чуқур ҳис қилган ҳолда давр талаблари асосида ишни ташкил қилишлари, имконият, билимлардан оқилона фойдаланишлари, илғор тажрибаларини ишлаб чиқаришга жорий қилишларини ҳаёт тақозо этади. Бу табиийки, биз илм аҳлига ҳам тўла тааллуқлидир.

Қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш, шу жумладан мева ва узумни аҳоли учун зарур миқдорда етказиб бериш учун хўжаликларда катта имкониятлар мавжуд. Улардан оқилона фойдаланиш, шу аснода иш юритиш, тармоқ тараққиётини таъминлаш, илғор технологияларни жорий қилиш ва шу йўл билан ҳосилдорликни кўтариш, маҳсулот сифатини, соҳа иқтисодиётини кўтариш энди давр талабига айланди.

Мана баҳор ҳам бошланди. Боғбону соҳибкорларимиз, деҳқонларимиз, яхши умид билан боғ-токзорлардаги ишларга киришмоқдалар. Юқори ҳосил етказиш, боғу роғлар, гулзорлар, кўкаламзорлар барпо қилиш ойлиги ўтказиш тараддудини кўрмоқдалар. Бу хайрли ишларни юқори савияда амалга ошиши энди ҳар биримизнинг ишимизга, меҳнатимизга боғлиқ.

Республикамизнинг турли шароитида жойлашган ўнлаб хўжаликлар илғор тажриба, янгиликларни қўллаб, технология жараёнларини сифатли ўтказиб, йилдан-йилга юқори ҳосил олишга эришмоқдалар, катта даромад олиб, хўжалик иқтисодиётини кўтаришга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Ҳозир мамлакатимизда ҳамма секторлар бўйича боғ ва узумзорлар майдони қарийб 361 минг гектарни ташкил қилади. Шундан 125 минг гектари узумзор, 236 минг гектари боғ. Уларнинг 80-90 фоизи ҳосилга кирган. 1994 йилга қараганда, ўтган йили 47,2 минг тонна кўп мева, 267,7 минг тоннадан ортиқ узум кўп ишлаб чиқилди, бунга илғор хўжаликлар ҳисобидан эришилди. Лекин кўпчилик хўжаликларда боғ-токзорларнинг ҳосилдорлиги жуда паст, 1995 йилда ўртача ҳосилдорлик боғларда гектаридан 43,4 центнерни, узумзорларда эса 65,1 центнерни ташкил қилди.

Кўпчилик хўжаликларда ҳосилдорлик ўта пастлиги туфайли аҳоли жон бошига бу маҳсулотларнинг йиллик истеъмол қилиш миқдори аҳоли жон бошига белгиланган 78 килограмм ўрнига 38-44 килограммнигина ташкил қилди.

Паст ҳосил олинаётганлигига асосий сабаб кўпчилик хўжаликларда ишлар қониқарсиз ташкил этилаётганлиги, агротехника тадбирлари талаб даражасида эмаслиги, зарур технология жараёнлари ўз вақтида бажарилмаётганлиги, айрим хўжаликларда маҳсулотни ҳисоб-китоб қилиш ишларида камчилик борлигида бўлмоқда.

Шу билан бирга зараркунанда ва касалликларга қарши кураш паст даражада эканлигидир. Боғбон ва соҳибкорлар олдига қўйилган бу муҳим вазифаларни бажариш учун аввало боғ-токзорлар ҳақиқий, жонкуяр эгасига топширилса, шунингдек, барча технологик тадбирлар ўз муддатида тўла ва сифатли ўтказилса, мўлжалдаги ҳосилни олиш мумкин.

Олимларимиз томонидан ишлаб чиқаришга тавсия этилган, ҳар бир хўжалик учун қулай, содда ва самарали агротехник усуллар мавжуд. Булар жумласига тупроқ таркибини гумусларга (органик ўғитларга) сезиларли даражада бойитиш, серҳосил янги интенсив навлар, янги эффектив биотехнология, тупроқни чуқур ишлаш, чуқур ўғитлаш, дарахтларни буташ, хомток ўтказиш, зараркунанда ва касалликларга қарши курашишнинг самарали усуллари ва бошқалар киради. Мазкур тадбирлар тўла қўлланилса, ҳосилдорлик, маҳсулот сифати кескин кўтарилади.

Мевазорларда оралиқ экинлар (никольсон, восток-55 нўхатлари, рапс, сули ва бошқалар) экилганда тупроқнинг биологик аҳволи яхшиланади, биологик ўғитлар ортади, тупроқда фойдали микроорганизмлар яхши ривож топади. Заминда фойдали микроорганизмлар тез кўпаяди, мева ҳосилдорлиги, маҳсулот сифати 30-35 фоизга ошади, етиштирилаётган маҳсулот экологик жиҳатдан тозаланади ва яхши сақланади. Ҳосилнинг ошиши, мева сифати кўтарилиши натижасида соҳа иқтисодиёти ҳам яхшиланади.

Зараркунанда ва касалликларга қарши кураш ишларини тартибга солиш, курашиш самарадорлигини кескин ошириш ва шу йўл билан боғ-токзорлар ҳосилдорлигини жадал кўтариш, маҳсулот сифатини яхшилашнинг муҳим омилларидан биридир. Бинобарин, бу борада курашиш ишларини тубдан яхшилаш, бунда биологик интеграл усуллардан ўз вақтида, кенг фойдаланиш лозим. Бу тадбирлар ҳосилдорликни камида 20-25 фоизга кўпайтиради, стандарт (сифатли) маҳсулот олиш даражасини 60-70 фоизга оширади.

Зараркунандалар ва касалликларга қарши курашишни тўла ва ўз фурсатида сифатли ўтказиш сарфланган ҳар бир сўм пировардида хўжаликка камида 12-18 сўм соф фойда келтиради.

Илғор хўжаликлар тажрибаларига кўра қўшимча маблағлар сарфламасдан, фақат парваришлаш тадбирларини яхшилаш, сифатли ўтказиш ҳисобига ўртача ҳосилдорлик гектаридан 1,2-2 баробар ошгани кузатилди. Баҳор фаслида қатор тадбирларни ўз вақтида тўла ва сифатли ўтказишга ҳозирдан пухта тайёргарлик кўришимиз ва технология жараёнларини ўтказишимиз лозим.

Республикада кўчат экиш ойлигини ўтказишга саноқли кунлар қолди. Шу даврда боғу роғлар, кўкаламзор, гулзор, хиёбонлар ташкил қилинади. Бу ишни янада кенг кўламда ривожлантириш керак.

Бу йилги шароитда боғ-токзорларда тупроқни чуқур ўғитлаш, ишлов бериш, дарахт ва ток тупларини буташ, ёш боғ-токзорларда кўчатга шакл беришни мунтазам олиб бориш, вегетация даврида ток тупларида камида 2-3 маротаба тўла хомток ўтказиш лозим. Чуқур эгатлар орқали суғориш, намни сақлаш тадбирларини олиб бориш, тупроқни ишлаш, ўтдан тозалаш, айниқса, зараркунанда ва касалликларга қарши курашиш ишларини тартибга солишга эътибор бериш керак.

Токни биринчи хомток қилишда ҳар бир новдадаги ўсиб чиққан ёш, ҳосилсиз, ортиқча кўк новдачалар олиб ташланиб, бақувват новдалар қолдирилади. Иккинчи хомток шўралар тўла гуллаб, ғўраси мошдек бўлганда ўтказилади. Шундагина новдалар кузгача чиниқиб етилиб, сифатли, йирик, донадор ҳосил етишади, серўсиқ ток мевалар тупида тур препаратини қўллаш керак. Унинг 60 фоизли эритмаси 0,1-0,15 фоиз (100 литр сувда 100-150 гр ҳисобидан) сепилса, ўсиш сусаяди, ёш новдалар чиниқиб, кейинги қиш ва ҳосил учун ҳам яхши тайёргарлик кўриб борилади.

Айниқса, бу йилги шароитда токларда новдалар чиниқиб, соғлом ўсиши, серқанд, донадор ҳосил етилиши учун камида икки-уч маротаба сифатли хомток ўтказиб борилгани маъқул. Тупларда ўринбосар новдаларни қолдириб, уларни тарбиялаб бориш зарур.

Бу йилги об-ҳаво шароити мевазор-токзорларда зараркунанда ва касалликлар ривожланишига қулайлик туғдирмоқда. Ёғингарчилик кўп тушган ҳудудларда, пастқамликка, тоғолдига жойлашган данакли мевали боғларда монилиал куйиш (монилиоз), доғланиш, рага касаллиги (клястероспориоз), барг бужмайиши, уруғли олма, нок ва беҳи боғларида ун шудринг, калмараз (парша) касалликлари тарқалиши хавфи бор. Узумзорларда оидиум (кул касаллиги), антракноз, узум чириши касаллигининг кўпайиши хавфи мавжуд.

Яна олма қурти, барг кемирувчи куялар, айниқса, гирдак куя, сохта қалқондорлар, кейинроқ ўргимчаклар, нок шираси кўпайиши ҳам мумкин, бу ҳосилга салбий таъсир этади. Шунинг учун агротехника тадбирларини тўла ва сифатли ўтказиш билан бирга зараркунанда ҳамда касалликларга қарши курашишга алоҳида эътибор бериш зарур.

Касаллик ва зараркунандалар ривожланишининг олдини олиш учун зарур тадбирларни кўриш лозим. Уруғли мевали боғларда олма қуртининг биринчи авлодига қарши шу кунларда ишлов бериш зарур, бу билан калмараз ёки ун шудринг касаллигининг олди ҳам олинади. Бунда 0,8 фоизли сума алфе ёки талстярни (100 литр сувга 50 гр) ва (0,4-0,5 фоизли купрозан ёки мис хлор оксидини паршага қарши, 100 литр сувга 400-500 гр. аралаштириб) дарахтларга пуркаш зарур.

Барглардаги ун шудринг касаллигига қарши (гектарига 30-40 килограмм) олтингугурт кукуни билан заруриятта қараб бир неча бор боғларни чанглатиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Бу ўргимчаккана тарқалишига ҳам йўл қўймайди. Кейинроқ олмазорларда гирдаккуя, нокзорларда шира тарқалиши кузатилса уларга қарши 0,3 фоизли золон, ёки 0,05-0,1 фоизли сумицидин, цимбуш каби препаратларни ишлатиш лозим.

Кимёвий воситалар аниқ зарурият туғилган тақдирдагина қўлланилиши тавсия этилади. Бунинг учун феромонли тутқичлар билан кузатувлар олиб борилади. 1 ёки 2 гектар боғга битта-иккита тутқич осилиб, 4-5 кун давомида ўртача 5-6 олма қурти капалаги тутилса, киёвий ишловларни ўтказиш мумкин.

Данакли боғларда доғланиш, барг бужмалоғи касалликларига қарши 1 фоизли бордо суюқлигини (100 литр сувга 1 кг. мис купороси ва 1 кг. оҳакни аралаштириб) ишлатиш мақсадга мувофиқдир. Сохта қалқондорларга қарши 0,08 фоизли сумиальфа ёки 0,05 талстяр ишлатиш мақсадга мувофиқдир.

Кул касаллигига қарши аввало винобоп навлар камида 2-3 маротаба, сўнгра хўраки ва майизбоп навлар бир текисда топез ёки вохтра билан гектарига 30-40 гр. пуркалади. Пастқам ерларда жойлашган айрим токзорларда рага (антракноз) касаллиги кузатилган бўлса зарарланган ток тупларига бир фоизли бордо суюқлиги ёки хлор мис оксидининг 0,4-0,5 фоизли эритмаси пуркалади. Ёғингарчилик бўлса бундай ишлов такрорланади.

Узумхўр қуртга қарши токлар гуллаш арафасида бир маротаба, гулдан чиққач 17-20 кундан кейин иккинчи маротаба ишлов ўтказилади. Вақтини аниқлаш мақсадида апрелнинг охирги кунларида ва июннинг иккинчи беш кунлигидан токзорларга феромонли тутқичлар қўйилади ва биринчи капалак тушгандан 10-14 кун ўтгач пуркаш ишлари бажарилади. Бунда токзорларнинг қалинлашиб кетганлиги назарда тутилиб, 0,3 фоизли золон (100 литр сувга 300 гр. ёки 0,08 фоизли суми-алфе (1000 л сувга 80 гр) ҳисобидан сарфланади. Ғўра хомтокни ўз вақтида сифатли ўтказиш новдалар сийрак тараб боғлаб борилса, зараркунанда ва касалликка қарши курашиш самарадорлиги ошади.

Республикамизда бу хайрли ишни жадал ва тўла ҳал қилиш учун, боғдорчиликни кенг ривожлантириш, мева-узум мўлкўллигини таъминлаш учун катта имкониятлар мавжуд.

Халқимизда боғни боқсанг боғ, боқмасанг юраккка доғ бўлади деган нақл бор. Боғни тарбиялаш, парваришлаш ва унга меҳр-муҳаббат билан муомалада бўлиш табиийки боғбонни хушнуд этади. Натижада сифатли маҳсулот олинади. Халқимиз шунда арзон, ширин-шакар мевалардан баҳраманд бўлади.

Технологик жараёнларни сифатли ўтказиш, қўл кучини тежаш, техника воситаларидан унумли фойдаланиш ҳам ҳосилдорликни кўтаришда, маҳсулот таннархини арзонлаштиришда, соҳа иқтисодиётини оширишда муҳим омил ҳисобланади. Илғор хўжаликларда техникадан самарали фойдаланиш даражаси эса 50-60 фоизни ташкил қилади. Уларда ҳосилдорлик гектарига 10-12 тонна, соҳа самарадорлиги даражаси эса 35-40 фоизни ташкил қилади.

Аксарият хўжаликларда эса юмушларни механизациялаш даражаси паст, 20-30 фоизни ташкил қилади. Бундай жамоаларда технология жараёнлари тўла бажарилмайди. Механизм, мослама, эҳтиёт қисмлар етишмайди, таъмир ишларига эътибор кам.

Ҳосилдорликни ошиб бориши учун ишда шарт-шароит яратиш, ташкилий ва амалий юмушларни тўғри олиб бориш керак. Фақат шу йўл билан илғор хўжаликлар даражасига етишиш, соҳа маданияти, технология даражасини кўтариш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш, соҳа самарадорлиги кескин кўтариш мумкин. Шунингдек, хўжаликни етук боғбонлар, соҳибкорлар, энтомологлар, механизаторлар билан мустаҳкамлаш ҳам ғоят муҳим. Синалган самарали илмий тавсияларни ишлаб чиқаришга кенг тадбиқ қилиш, ернинг мелиоратив аҳволини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини кўтариш ҳам зарур.

Хўжаликда ишларни бир маромда олиб бориш учун уларни эҳтиёт қисм, ўғит, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, замонавий техникалар билан таъминлаш масаласини ҳам конкрет ҳал қилиш вақти келди. Буни ижобий ҳал қилиш кўпроқ хўжалик раҳбарлари, мутахассислар, агрономлар ва мутасадди идораларга боғлиқ.

Юқоридаги масалалар ижобий ҳал бўлган тақдирда ҳосилдорлиги паст хўжаликларда (бундай хўжаликлар республикада 60-70 фоизни ташкил қилади) ҳосилдорлик тез орада камида 1,5-2 баробарга ошади. Маҳсулот сифати, соҳа самарадорлиги, жамоанинг молиявий аҳволи сезиларли даражада яхшиланади. Қайд этилган тадбирлар тўла амалга оширилса, ёш боғларга яхши эътибор берилса ялпи ҳосилдорлик кўтарилади. Республикада мева-узум етиштириш ялпи миқдорини камида 1,8-2,5 миллион тоннага кўтариш мумкин.

Халқимизни йил бўйи турли хил мева-узумга бўлган талабини қондириш учун ҳозирдан ишлаш зарур. Шунингдек, эртаги, ўртаги ва кечки навларни, вино ишлаб чиқаришни ҳам ҳисобга олиб қулай зоналарда винобоп навлар кўчатини экиш керак.

Бугунги кунда мавжуд 125 минг гектар токзорлардан тенг ярмидаги токлар, шпалер симларга кўтарилмаган. Бу эса тупларни парваришлаш, хомток қилиш, шакл бериш, зараркунанда ва касалликларга қарши курашиш, механизациядан фойдаланиш ва бошқа юмушларни ўз вақтида ва сифатли ўтказишга имкон бермайди. Натижада ҳосилдорлик камида 25-30 фоиз камаяди, ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлади. Шунинг учун хўжаликларни темирбетон устунчалар, сим бойлагич, иплар ва бошқа зарур асбоб-ускуналар, қайчи, секетор арралар билан таъминлаш масаласини кечиктирмасдан ҳал қилиш керак.

Тоғли ва тоғолди районлар, шунингдек адир, тош ерларни ўзлаштириб, боғ ва токзорлар барпо этиш мева-узум етиштиришни кўпайтиришнинг аниқ имкониятларидан биридир. Бу жойларда ишчи кучлари етарли, хўраки майизбоп навларни, данакли меваларни етиштириш қулай. Шунингдек, ушбу ерларда кўплаб қуруқ мева, майиз тайёрлашнинг катта имкониятлари бор. Технологияга эътибор бериб, бундай ерларда боғ-ток яратилса, яқин келажакда мева-узум, қуруқ мева, майиз кескин кўпаяди. У ердаги халқ иш билан таъминланади.

Кўп йиллик илмий изланишлар шуни кўрсатадики, қиялик ерларда, боғ-токзорларда томчилатиб суғоришни жорий этиш самаралидир. Бунда ҳосилдорлик 50-60 фоизга ортади. 40-50 фоиз сув тежалади, тупроқ эрозиясининг олди ҳам олинади. Кўпчилик жамоаларда хўжаликни тўла ва тўғри ихтисослаштиришга ҳам эътибор бериш керак.

Ҳар бир хўжалик раҳбари, мутахассислари бутун куч, билимларини юқорида айтилган масалаларни жадаллик билан ҳал қилишга қаратишлари зарур. Фақат шундагина ҳар бир хўжаликда молиявий аҳвол яхшиланади, мева-узум кескин кўпаяди. Натижада йил бўйи маҳсулот кўпаяди, ҳам яхшиланади.

**М. МИРЗАЕВ,**
**Ўзбекистон мевачилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти директори.**

## КОСОНСОЙЛИК ЧОРВАДОР

Қодиржон Баҳодиров номи Косонсой туманида алоҳида ҳурмат билан тилга олинади. У қаерда ишламасин ҳамиша омилкорлик, ташаббускорлик кўрсатиб қувончли натижаларга эришади. Меҳнат зарбдори қатор йиллар давомида бригадага етакчилик қилиб пахтачилик, боғдорчиликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшди. Ўтган йили Қодиржон ака яна бир хайрли ишга қўл урди. «Косонсой» жамоа хўжалигидаги чорвачилик фермасини кимошди савдосида сотиб олди. У ерда 565 бош қорамол, шундан 235 таси сигир, 174 бош қўй, 1200 та парранда бор эди. Мулкдор дастлабки кунданоқ моллар зотини яхшилаш, чорвадорларнинг унумли ишлаб кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун шарт-шароит яратиш, озуқа базасини мустаҳкамлашга эътиборни кучайтирди. Фермадаги 50 киши бошқа хизмат соҳаларига ишга ўтишди.

Молхоналар яхшилаб таъмирланди. 2,5 километр масофадан табиий газ тортиб келинди. Ферма атрофи девор билан ўралди. Мулк эгасини топгач меҳнатга муносабат ўзгарди. Чорвадорлар уйининг қуриб битказилиши кишилар кўнглини кўтарди. Янги техникалар келтирилди. 25 бош наслли ғунажин сотиб олинди. Шу тариқа аста-секин ишлар ривожлана бошлади. Эндиликда Мавлуда Омарбекова, Ҳабиба Рустамова каби сигир соғувчилар ҳар говмишдан кунига 8—10 килограммдан сут соғиб олмоқдалар. Бурдоқига боқилаётган моллар этига эт қўшилмоқда. Ўтган беш ой ичида хусусий фермада 22 тонна гўшт, 211 тонна сут етиштирилди. Жорий йилнинг январь ойида эса 38 тонна сут, 8 тонна гўшт истеъмолчиларга етказиб берилди.

**М. ИЛЁСОВ.**

## ҒАМХЎРЛИК САМАРАСИ

Ўтган йили Хоразм вилоятидаги Хонқа ун комбинати 110 миллион сўм даромад қилди. Бу — жамоа аъзоларининг барқарор ва аҳиллик билан ишлаши натижасидир. Яқинда ишчилари ўз корхонасининг акционерларига айланишди. Бу ерда ҳар куни 382 тонна ун ва 630 тонна омихта ем тайёрланади.

Бу юқори кўрсаткичлар комбинат раҳбариятининг ишчиларга қилаётган ғамхўрлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Даромаднинг бир қисми уларга доимий мукофот тарзида берилади. Шунингдек, пенсионерларга ва кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди. Корхонага тегишли болалар боғчаси, дам олиш уйи ва замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган тиббий пункт ишлаб турибди. Ишчилар тушлигининг ярим ҳаққини корхона тўлайди. Чорвачилик фермаси ва теплицадан иборат ёрдамчи хўжалик ташкил этилган. Бу ердан тегирмончилар арзон нархда гўшт, сабзовот ва мевалар харид қилишади.

Ишлаб чиқаришдан тушган фойда хўжалик фаолиятини кенгайтиришга ҳам имкон бермоқда. Яқинда новвойхона очилди ва унда 10 хил нон мухсулотлари тайёрланяпти. Шарбат тайёрлаш цехи ишга тушиш арафасида турибди.

## КИЧИК КОРХОНАЛАР КЎПАЙМОҚДА

Она-ер саховатли. Унга қанча меҳр қўйсангиз, ўз бойлигини шунча кўп инъом этаверади. Буни Усмон Юсупов туманидаги «Жейнов» жамоа хўжалигида яққол кўриш мумкин. Бу ерда фақат қишлоқ хўжалиги ривожланиб қолмай, саноатни ҳам тараққий эттиришга катта эътибор берилмоқда. Бугунги кунда жамоада катта-кичик 12 та фирма ва корхона фаолият кўрсатаяпти. Ғишт заводи, гиламчилик, қандолатчилик, макарон ва қуруқ мева тайёрлаш цехлари шулар жумласидандир.

Корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўзининг сифатлилиги билан кўпчилик эътиборини ўзига тортмоқда. Хўжаликда ташкил этилган бундай цехлар қишлоқда кўплаб ёшларни иш билан таъминлашга ёрдам бераяпти. Фирма ва кичик корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ўртасида рақобат вужудга келган.

«Жасурбек» фирмаси бугунги кунда хўжаликда фаолият кўрсатаётган илғор корхоналардан ҳисобланади. Унга шу ерда туғилиб ўсган Ражаббой Бердиев бош-қош.

Тиниб-тинчимас, изланувчан Р. Бердиев ўзининг фидокорона ҳалол меҳнати билан жамоа ўртасида тезда обрў-эътибор қозонди. Унинг ташаббуси билан яқинда маъданли сув қуйиш, қандолатчилик ва макарон цехлари ишга туширилди.

Келгусида фирма ҳузурида музқаймоқ ва колбаса ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Ҳозир бу ерда тайёрланаётган озиқ-овқат маҳсулотлари қўшни хўжаликлар аҳолисига ҳам сотилмоқда.

**СУРАТДА: фирманинг пешқадам ишчиси Файзулла Тошев.**
**Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.**



# МИРИШКОРНИНГ НАСИБАСИ БУТУН

*Эндиги мақсад — ҳеч бир шартномадан хўжалик зарар кўрмасин, балки ўзи учун манфаат топсин. Биз бундан бу ёғига ишлаб чиқарувчилар билан муносабатни қизиқтириш, рағбатлантириш ва уларга эркинлик бериш асосида қурамиз.*

(Республика Вазирлар Маҳкамасининг 23 январдаги йиғилиши ҳужжатларидан).

Денов туманидаги Собир Раҳимов номли жамоа хўжалиги асосан пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган. Ўтган йили хўжалик 1315 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, 610 гектар пахтадан ўртача 47 центнердан, 533 гектар ғалладан эса 36 центнердан барака хирмони кўтарди. Хўп, ютуқларнинг асосий омили нимада?

Пахтачилик — асли ота мерос касб. Аммо унинг сир-синоатини билмаган, у билан тиллаша олмаган кишининг иши бароридан келмаслиги аниқ. Жамоа хўжалиги аъзолари бу ақидага амал қилиб, мавжуд ерларнинг ҳар қаричидан унумли фойдаланиш мақсадида ижарачиликка алоҳида аҳамият қаратди: хўжаликнинг барча ери деҳқонларга бўлиб берилди.

Айни пайтда далаларда баҳорги ишлар авжида. Майдонлар шудгор қилиниб, бороналанган, ариқ-зовурлар тозаланиб, мавсумга тайёрланган. Ғаллачиликда ҳам муҳим агротехник ишлар бажарилмоқда. 50 нафардан ортиқ мулкдорлар мавжуд ғалла экинзорларини ўғит билан тўйинтириб, сув беришмоқда.

— Ютуқларимиз ислоҳотлар шарофатидандир, — дейди хўжалик бошқаруви раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими Иброҳим Файзуллаев. — Хўжалик бошқаруви ижарачилар билан ҳамкорликда иш юритмоқда. Уларни техника, ўғит, керакли эҳтиёт қисмлар билан таъминлаб, шарт-шароит яратиб бераяпмиз.

Айни кунда хўжаликнинг 50 гектарига ерёнғоқ учун, 45 гектарига мош учун, 20 гектарига полиз экинлари учун, 80 гектарига беда, 15 гектар макка, 16 гектар лавлаги ва 10 гектарда шоли экиш учун қизғин тайёргарлик бормоқда.

Алмашлаб экиш ёки эртанги ҳосил олинган ерларга иккинчи бор экин экиш масаласи ҳам хўжалик аъзоларининг диққат-марказида. Ўтган йили 533 гектар ғалла ўрнига пахта экилиб, ҳар гектаридан 25-27 центнердан хирмон уйилди. Полиз ва бошқа маҳсулотлар ўрнига ҳам кечки маккажўхори ва лавлаги экилганда кўзланган натижадан ҳам юқори ҳосил олинди.

Муҳими, ер ўз эгаларига бўлиб берилгач, ҳосилдорлик йилдан-йилга ортяпти. Айтайлик, 1994 йилда пахтачиликда гектаридан 43 центнердан ҳосил кўтарилган бўлса, 1995 йилга келиб бу кўрсаткич 47 центнерга, ҳатто айрим ижара хўжаликларида 49 центнерга етди.

Жамоа хўжалигида тадбиркорлик ва ишбилармонлик кенг таркиб топган. Ғишт заводи мунтазам ишлаб турибди. Шунингдек, оҳак заводи, темирчилик устахонаси, дурадгорлик, гилам тўқиш цехлари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Булардан ташқари, 6 та тегирмон, 4 та мойжувоз, гуруч оқлаш жажжи корхоналари мавжуд.

Яқинда хўжалик аъзолари Олмония ишбилармонлари билан шартнома тузиб, катта ишга қўл урдилар. Унга кўра хўжалик марказида 600 ишчи ўринли тўқимачилик фабрикаси қурилиши бошлаб юборилди. Ҳозир дастлабки ускуналар, керакли қурилиш жиҳозлари келтирилмоқда.

Хўжаликда баҳорги экиш мавсумига тайёргарлик қизғин. 16 та экиш трактори, 20 та чизел, 20 та борона, 12 та Т-4 маркали тракторлари мавсумга тайёр қилиб қўйилган.

Бу ерда муаммолар ҳам йўқ эмас. Техника учун айрим зарур қисмлар етишмайди. Туман қишлоқ хўжалиги техника таъминотида керакли нарсалар топилмайди, борлари эса жуда қиммат.

Ҳадемай, далаларда экиш мавсуми бошланади. Миришкор деҳқон ризқи эса далада. Юртбошимиз Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасида «Ғалла ва пахта етиштиришнинг 1995 йилги якунлари ҳамда бу борадаги 1996 йилги режалар, шунингдек, хўжалик ва корхоналар, ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасида шартномалар тузиш» масалаларига бағишланган йиғилишда сўзлаган нутқида «Халқимизнинг ризқ-рўзи, таъминоти кўп жиҳатдан пахта ва ғаллага боғлиқ экан, ҳар биримиз ана шу бебаҳо маҳсулотларни яратувчиларга амалий ёрдам берайлик» деб алоҳида таъкидлади.

Халқимизда ерни эъзозлаганни, эл эъзозлайди, деган ҳикмат бор. Давлат буюртмаси ғалла бўйича етиштирилган ҳосилнинг 50 фоизи, пахта бўйича эса 60 фоиз миқдорида қилиб белгиланганлиги, қолган ҳосил хўжаликлар ихтиёрида бўлиши Собир Раҳимов номли жамоа хўжалиги деҳқонларининг ҳам ғайратига ғайрат қўшди. Истиқлол берган неъматлар қаторида деҳқонларимиз ерсувлик, ҳақиқий мулк эгаси бўлишди. Уларга берилаётган қатор имтиёзлар эса ташаббускорликка, изланиш ва яратувчиликка ундамоқда. Жамоа хўжалигидаги ҳар бир ижарачи, ҳар бир аъзо мавсумни уюшқоқлик билан бошлаётганлиги ҳам ана шунинг шаҳодатидир.

**А. ҲАҚБЕРДИЕВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» махсус мухбири.**

## «СИҲАТ» ДЕФОЛИАНТИ

Ўзбекистон Фанлар академияси ўғит институти олимлари ғўзанинг баргини тўкадиган янги самарали дори ишлаб чиқдилар.

Олдинги дориларга нисбатан анча зарарсиз бўлгани учун унга «Сиҳат» деган ном берилди. Дори маҳаллий чиқиндидан тайёрланади, шунинг учун анча арзон ҳам тушади. Айниқса, унинг ҳар қандай ҳароратда кучини сақлаб қолиши ва ғўзага таъсир қилиши қишлоқ хўжалигида катта аҳамиятга эга.

— Биз бу дефолиантни илк бор ўтган йилги пахта йиғим-терими мавсумида оммавий миқёсда қўлладик, — дейди институт директори Султон Усмонов. — Республика Қишлоқ хўжалиги вазирлигидан олинган маълумотга қараганда хлорат магнийга қараганда бу кимёвий дори қўлланилган жойларда кўпроқ ҳосил олинган. Агар ундан ҳамма жойда тўғри фойдаланилганида, янада юксакроқ натижаларга эришиш имкони бор эди.

Фарғонадаги «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланаётган «Сиҳат» дефолиантини барча минтақаларда қўллаш мумкин. Шунинг учун ҳам кейинчалик уни Марказий Осиёнинг бошқа республикаларига экспорт қилса бўлади.

**Адиба ОТАЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

